
Солиқчи-тадбиркорга кўмакчи

Ўзбекистон туман Давлат солиқ инспекцияси Тадбиркорликни қўллаб қувватлаш” шўъбаси бошлиғи Холиқбердиев Лазизбек Ўзбекистон туман Давлат солиқ инспекцияси туманимизда “Солиқчи тадбиркорга кўмакчи” тамоили асосида бир қатор ишлар амалга оширилаётганлиги айтиб ўтди.

“Солиқчи-тадбиркорга кўмакчи” тамоили асосида Ўзбекистон туман Давлат солиқ инспекцияси “Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш” бўлими “Тадбиркорликни қўллаб қувватлаш” шўъбаси томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг бухгалтерия хисобини юритиш ҳамда солиқ ҳисоботларини тақдим этишда аниқланган камчиликларга тузатишлар киритишда ҳамда солиқ органларига алоқадор бошқа масалалар бўйича ёрдам кўрсатилинмоқда.

2022 йил август ойида жами 53 янги тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтди ва уларга бошланғич бухгалтерия хисоботларини юритиш ҳамда солиқ хисоботларини тақдим этиш бўйича амалий тушунчалар берилди.

2022 йил июнь ойи мобайнида 247 та тадбиркорлик субъектлари ўрганилиб, шулардан **101 та** субъектлардаги камчиликларни бартараф этишди. **37 та** тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартиби ҳақида амалий тушунчалар берилди. Шундан E-aktiv AAT бўйича ҳамда 92 та E-imtiyoz AAT бўйича тушунча бериш ва ундан фойдаланиш бўйича йўриқномаларни ўргатиш ишлари амалга оширилди. **174 та** ШХРдан кўчирма бериш, 21 та ҳолатда 85591,0 минг сўм ортиқча тўлов суммасини бошқа солиқ турларида бўлган солиқ қарзи суммасига сингдирилди ҳамда 2 ҳолатда 32200,0 минг сўм ортиқча тўловлар солиқ тўловчининг ҳисоб рақамига қайтарилди. 124 та бошқа идора ва ташкилотларга алоқадор муаммолар бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

Солиқлар иқтисодиётимизнинг устуни ҳисобланиб, ижтимоий тараққиётимиз манбасидир. Шундай экан, туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам тизимда давом этаётган ислохотларда фаол қатнашиб, шаффофликни таъминлаган ҳолда солиқ тўловчиларнинг бизнес ҳамкори сифатида уларнинг интизомли солиқ тўловчи бўлиб қолишлари учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиладилар.

Ўзбекистон туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳар доим туманимиз аҳолиси ва тадбиркорларни қўллаб қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишларига биргаликда ёрдам беришларини яна бир бор таъкидлаб ўтади.

Л.Холиқбердиев

Ўзбекистон туман ДСИ “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш” шўъбаси бошлиғи

2022-09-27 18:32:54